



«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Вобкент мактабгача таълим булими

Н.Жумаев

2022 йил

Вобкент мактабгача таълим булимига карашли 37-сон ДМТТ ни иссиқлик тизимини жорий тамирлаш объекти бўйича:

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ХУЖЖАТ**

### **ТАНЛАШ ХУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ**

" Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ.  
бухгалтерия."

2022 йил

## БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия  
(Буюртмачи ташкилот номи)

### Энг яхши таклифни **ТАНЛАШ** учун эълон қилади

Объект номи: **Вобкент мактабгача таълим булимига** карашли 37-сон ДМТТ ни иссиқлик тизимини жорий тамирлаш  
136 957 817 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –5 календарь кун.

• Буюртмачи: Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия

• , Тел (906362008)

#### Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари куйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш таклифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга куйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайидан олишлари мумкин

- ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

**Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия:**

## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ.га карашли 37-сон ДМТТ ни иссиқлик тизимини жорий тамирлаш (буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект буйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Бажариладиган иш номи: Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. Бухгалтерия хисобидаги болалар богачини 37-сон ДМТТ ни иссиқлик тизимини жорий тамирлаш

Хизмат курсатиш бошланғич нархи— 136 957 817сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати —5 календарь кун.

Буюртмачи: **Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия,**

**Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари хисобидан.**

Таклиф этилган шартлар буйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар куйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги;

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир бажариладиган иш буйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир бажариладиган иш буйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча хужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг Бажариладиган иш хизматларни руйхатини, хусусан, Бажариладиган иш хизматларнинг руйхатини такдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан etender.uzex.uz махсус ахборот портали оркали куриб чиқилади ўтади.

**Вобқенг тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия:**

